



- * Президентнинг ҳақ сўзлари юраклардан жой топди
- * Алишер Навоий кашф этган наволар
- * Инс-жинслар одамлар билан бирга яшайдими?
- * Англиялик «Гўрўғли»нинг қабрдаги ҳаёти



Элим деб, юртим деб,  ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 6 февраль Шанба.
№ 10 (144201)

«ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ»

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Ислон Каримовнинг «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» номли китобини кўп нусхада босмадан чиқарди. Бу китобдан Президентимизнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг берган саволларига жавоблари тўла ўрин олган.

«Биз йигирма биринчи аср бўсағасида яшайпмиз, - дейди Йўлбошчимиз. - Аллоҳ насиб этса, ҳадемай йигирма биринчи асрга ҳам қадам қўямиз. Хўш, янги асрга биз қандай онг, қандай мафкура билан - халқимизни бирлаштирадиган, унга йўл кўрсатадиган қандай миллий ғоя билан кириб борамиз?»


Президентимиз суҳбат давомида ана шу саволга жавоб берар эканлар, мустақил Ўзбекистонимизнинг бугуни ва келажаги, одамларимиз дунёқарашининг ўзгариб бораётгани ҳақида фикр юритиб, ҳозирги кунда ҳаётимизда учраб турадиган айрим муаммоларни ҳам теран таҳлил этиб берадилар.

Дарҳақиқат, ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган мафкура - миллий ғояни шакллантиришнинг асосий шarti - одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инobatга олишдир.

Китобда алоҳида таъкидланганидек, жамиятни доимий ҳаракатга келтириб турадиган куч - миллий ғоя, миллий манфаатга хизмат қиладиган кадриятларни, илғор демократик қоида ва тушунчаларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, борини асраб-авайлаш, йўгини шакллантириш, бойитиш, ривожлантириш, халқни, аввало ўсиб келаётган ёш авлодимизни ана шу билим ва кўникмалар билан тарбиялаш - маънавият соҳасидаги энг асосий вазифамиз бўлиши лозим.

«Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» китоби бу вазифани амалга оширишда барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

ИШОНЧ ҚАРВОНЛАРИ



1. «Умид» жамғармасида синовлар давом этмоқда.
2. Красноярск шаҳрида ўтказилган халқаро супертурнирда 1998 йилги Осиё ўйинлари чемпиони Руслан Чагаев муваффақиятли иштирок этди.


Сураткаш Р. ШАҒАЕВ (ЎЗА)

Мухтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг "Туркистон" газетаси мухбирининг саволларига жавобларида айtilган ҳар сўз кишини янада кенгрок фикрлаб, чуқурроқ мушоҳада юритмоққа даъват этади.

Умуман, фикр нима? У қандай этилади? Қаерда кўним топади? Холисона айтганда, фикр -- тасаввур ҳосиласи, ҳар бир кишининг ўз ҳаёти қарашларидан келиб чиқадиган хулосасидир. Инсон атрофига боқаркан, баъзан "Мен қандай яшайман, қандай яшашим керак?" дея ўйлайди. Табиийки, у ҳаёт ҳақидаги тасаввурга таяниб, сўнг "Яхши яшашим керак" деган фикрга келади. Тўғри, қандай яшаш кераклиги ҳар кимнинг назарида турлича талқин этилади. Лекин яхши яшаш айрим кишилар ўйлаганидек, яхши еб-ичиб, яхши кийиниб, моддий имконларга бошқалардан кўра кўпроқ эга бўлишдан иборат эмас. Аксинча, инсон ўзидаги салоҳият ва куч-қудратини моддий тўқисликдан кўра руҳ камолотига сарфламоғи, эзгу-савоб ишлари билан қалбини покиза этмоғи жоиз. Ана шундагина виждон хотиржам бўлади, руҳ осойиш топади. Шарқ илоҳиётчиларидан бири "Қалб -- кичик Аллоҳдир" деган

сиятлар -- қадриятларимиз бор. Ўзбек феъли, одату-таомили, анъаналари бугунга келиб бор бўйи билан ўзини кўрсатмоқда. Қадимда жамоа ўртасида иккиланиб ўз сўзини очиқ айтмаган кишига ёнидагилар "Хў, белингда белбоғинг борми?!" дея танбеҳ бераркан. Аждодларимизнинг эзгу ҳикматларини эслаш ва унга амал қилиш ҳар қандай вазиятда адолатли иш юритишимизга асос бўлади. Президентимиз жавобларида келтирилганидек, **"Жамиятда адолат барқарор бўлса миллат, халқ ҳеч қачон йўлидан адашмайди, эртакичми фаровон турмушга эришади"**.

Адолат йўлини тутиб яшаш айтиб ўтганимиз-



Ислон КАРИМОВ

ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

"Туркистон" газетаси мухбирининг
саволларига жавоблар

ТОШКЕНТ, "ЎЗБЕКИСТОН", 1999

МИЛЛАТ ДАРДИ БИРЛАШТИРАДИ

экан. Ҳар биримиз буюк яратувчининг назаргоҳи бўлмиш қалбимизни покламоққа одатланганимиз маъқул. Қалбимиз пок бўлгандагина сийратимиз гўзаллашади, сувратимиз элга азизу-муқаррам бўлади. Биз халққа яқинлашмоқ учун аввало ўз қалбимизга яқинлашишимиз керак.

Том маънода айтганда, мафкура -- миллат фикри, яъни ўзбек деган улуг ном остида жипслашган ҳаммамизнинг воқеликка муносабатимиз, у ҳақдаги таҳлилу мушоҳадимиз умумлашмасидир. Миллийлик ғояси билан йўғрилган мафкура яшовчан ва илҳомбахш бўлиши табиий. Қачонки, фикрлаш кўламмиз кенга борар экан, шунда биз воқеликни тўғри таҳлил эта биламиз. Атрофимиздаги катта ўзгаришлар -- улкан силжишларнинг ўзиданоқ янги жамиятнинг шаклу-шамойилини илғаб олиш қийин эмас. Бу силжишлар моҳиятини фикр кўзи билан кўра олган киши эса озодликнинг эски жамиятдан афзал жиҳатларини, улуг давлат барпо этиш мақсадини теран англайди. Англаб этилган шу биргина ҳақиқат -- бизнинг собит фикримиз, айни пайтда бу фикр миллий ғояга, миллий мафкурага ҳамоҳангдир. Президентимиз таъкидлаганларидек, **"...эркин фуқаро -- онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур"**.

Шўролар тузумининг барча иллатлари кунба-кун фож этилаётир ва шу жараёнда биз бугунги кунларнинг кадр-қимматини чуқурроқ тушуниб бораёмиз. Биз узок йиллар шамол қай томонга эсса, ўша томонга эгилиб яшадик. Ўз фикримиз, ўз овозимиз бўғзимизда қотиб тураверарди. ЎЗ деган сўзнинг мазмунини, фикрини очик-ойдин ва баралла айтмоқликнинг завқу-шавқини ҳали-ҳануз кўпчилигимиз тўла ҳис этмаётимиз. Аслида халқимизни бошқа халқлардан мутлақо фарқлаб тургувчи ўзига хос хусу-

дек, виждон хотиржамлигининг гарови ҳамдир. Гоҳо виждон хотиржамлиги инсон босиб ўтган ҳаёт йўлининг якуний баҳосидек туюлади менга. Чиндан ҳам шундай эмасми, ахир?! Умр интиҳосида виждоннинг хотиржам бўлмоғи ва кишининг енгиш тортмоғи учун аввало ҳалол яшаш лозимдир. Тўғри яшашнинг зарурий шартлари нимада? Бўш вақтини керак-нокерак машғулотлар билан ўтказган ўсмир билан тинимсиз мутлола пайида бўлган тенгдошининг турмуш тарзи ўртасида еру осмонча фарқ бор. Негаки, биринчи ҳолатдаги ўсмир ҳаётининг мазмунини энгил-елпи яшашда, иккинчиси эса илм олишда деб билади. Буларнинг қай бири эзгу? Қай бири жамият равнақи учун зарур? Илм йўлидан бориш руҳни юксалтиришнинг баробарида кишини аниқ мақсад билан яшашга ўргатади. "Шарқ Аристотели" деб ном олган Абу Наср Форобий "Илм тананинг саломатлиги учун фойдали. Чунки, тана касал бўлса, руҳ ҳам сўнади. Руҳни камолга етказиш орқали танани соғайтириш керак!" дейди. Ҳаммамизга маълумки, илм эгаллаётган ўсмирнинг тафаккури чархлана боради, фикр манбаи бойийди, вужудига кучли руҳ ҳокимлик қилиб, бетийик нафс эҳтиёжлари занжирбанд этилади. Аҳли донишларнинг айтишича, агар киши ёшлигидан ижодий фикрлашга одатланса, кексайганида ҳам миясининг вазини ўзгармас экан. Аждодларимиз "Вақтинг кетди -- нақдинг кетди, нақдинг кетди, демак бахтинг кетди!" деганларида нақадар ҳақ эканлар...

"...Энди инкор қилиш кайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига ўтиш пайти келди" дейдилар Президентимиз. Ушбу даъваткор сўзлар мазмунидан шуни англадимки, ақалли биргина сўзимиз, биргина фикримиз, биргина ишимиз ҳам яратувчанликка хизмат қилиши керак, бу кун. Узимизни оёққа тураётган кучли миллатнинг бир бўлаги деб ҳис этайлик. Зеро, миллат фикри бизни ягона ғоялар йўлида бирлаштиради.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

СУҲБАТДАН СЎНГ...

"Камолот" жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими Президент Ислон Каримовнинг "Туркистон" газетаси мухбирининг саволларига берган жавоблари юзасидан жойларда суҳбатлар ташкил этмоқда. Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида шу мавзуга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда жамғарманинг шахар, туман бўлимлари раислари, талабалар, "Фидойилар" клуби аъзолари, ўқитувчилар иштирок этишди.

Учрашувда талабалар мақолада илгари сурилган долзарб масала юзасидан ўз фикрларини, тўқинлантирган ўйларини сўзлашди. Йиғилишни жамғарма вилоят бўлими раиси Боймурод Юсупов олиб борди.

Собир НОРМУРОДОВ

КЕЛАЖАККА ЙЎЛПАТМА

Тарих деб аталмиш муқаддас китоб саҳифаларини варақлар экансиз ҳар қандай давлатнинг гуллиб-яшнаши, фуқаролар осойишталигию фаровонлиги бу мамлакатда адолат меъзонларига, илму фанга ва албатта, маънавиятга катта эътибор билан қаралганлигининг муқаррар натижаси бўлганига қайта-қайта ишонч ҳосил қила-сиз. Бинобарин, биргина миллатимиз ўтмишидан бунга бир қатор мисоллар келтириш мумкин.

Шу жиҳатдан мустақилликка эришганимиздан сўнг республикамизда маънавият ва маърифатга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга, миллий тафаккурни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги мамлакатимизнинг буюк келажагини таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз.

Ислон Каримовнинг "Туркистон" газетаси мухбири саволларига жавобларини

ўқир эканман, шу фикрлар ҳаёлимдан кечди.

Албатта бу мақсадга эришишда олдимизда турган энг муҳим вазифа, Президентимиз таъбири билан айтганда, **"...озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир"**. Шу жиҳатдан ёшларимиз нашрида Юртбошимиз томонидан билдирилган фикрларни янги асрга қадам қўётган мустақил мамлакатимиз келажагини белгилашда дастуруламал деб баҳолаш мумкин.

Жамолиддин ТЎХТАШЕВ,
Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани

ВАТАН ОЛДИДАГИ БУРЧ

"Ўзэлектроаппарат" очик турдаги акционерлик жамиятида Президент Ислон Каримовнинг газетамиз мухбири саволларига берган жавоблари хусусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида шу нарса аён бўлдики, корхона аҳли Президент суҳбатини кўп қизиқиш билан кутиб олганига гувоҳ бўлдик.

Набижон Абдуманов, бош муҳандис:

-- Менимча, кишилар онгида, тафаккурида ўзгариш қилмай туриб, жамиятда туб бурилиш яшаш мушкул. Президент ўз жавобларида ана шу жиҳатларга катта эътибор берган. Юртимизда шу пайтгача маънавият ва маърифат борасидаги ишлар одамларнинг тафаккурини эски тузум сарқитларидан ҳалос этишга, ватандошларимиз қалбига мустақиллик ғояларини сингдиришга қаратилган эди. Бу борада муайян натижаларга ҳам эришилди. Ортирилган тажриба эркин демократик жамият куриш йўлидаги илк қадамлар саналади.

Ҳикоят Аҳмедова, ишчи:

-- Мен Президентимизнинг маҳаллалар ҳақидаги фикрлари хусусида тўхталмоқчи эдим. Ҳақиқатан ҳам маҳалла аздалан маънавият маскани ҳисобланиб келган. Жонкуяр, саховатпеша, ҳақиқат ва халқ манфаати йўлида курашларга ҳаммиша тайёр, фидойи инсонлардаги ижобий фазилатлар энг аввало маҳаллаларда шаклла-

нади. Ва энг муҳими кўпчилик ичида яшаш инсондан нафени тийишни, атрофдагиларнинг ўзи ҳақидаги фикрлари билан ҳисоблашиб умр кечиришни талаб этади.

Убай Файзхўжаев, ишчи:

-- "Аслида инсон эҳтиёжлари чексиз бўлиб, унга доимо нимадир етишмайди. Лекин ҳар бир одам нафс балосидан жудо бўлишга интиломи керак. Чунки ҳамма қуфат ана шу нафс балосидан келиб чиқади". Президентимизнинг бу гапларида жон бор, чунки сўнги пайтларда оёғи ердан узилиб қолган, қўли эгри, нопок айрим раҳбарлар ўз босар-тусарини билмай қолишганди. Маҳалла-қуй эса бундай кишиларни тез тартибга чақириб қўяди.

Станислав Кочегин, корхона ходими:

-- Президентимизнинг "Туркистон" газетаси мухбири саволларига берган жавоблари жуда кенг қамровли бўлиб, уни келажакка ташланган назар, деб атасак ҳам муболаға бўлмайди. Корхонамизда саксондан ортик миллат вакиллари меҳнат қилди. Уларнинг барчалари Йўлбошимиз юри-

— **Комил ака, мазкур Фармонни шарҳлаб берсангиз...**

— Ушбу Фармонга кўра кураш бўйича миллий ва қитъа федерациялари фаолиятини мувофиқлаштириш, ваколатхоналар ишларини йўлга қўйиш, қитъа ва жаҳон биринчиликларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш, ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига киритиш ташкилотимизнинг асосий вазифаси деб белгиланди. Ташкилотимиз ҳисобига кўп миллионли маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда. Ассоциация ва унинг юртимиздаги бўлим ва қорхоналари барча турдаги солиқлар ва божхона тўловларидан беш йил муддатга озод қилинди. Ундан ташқари “Кураш” ойлик журнали таъсис этилади.

— **Айнан курашга ҳукумат даражасида эътибор берилишининг сабаби нимада?**

— Шўролар даврида миллий курашимизга ўта менсимаслик билан қаралган. Фақатгина истиқлол, мустақиллик шарофати билан бундай адолатсизликка барҳам берилди. Курашга бўлган эътибор ҳам айнан ўша мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ кучайди. Негаки миллий ва умумбашарий қадриятларни улуғлаш, инсонпарварлик, мардлик ғояларини ўзида мужассамлаштирган ўзбек курашининг ўтмиши бошқа спорт турларига қараганда анча узоқ йилларга, яъни 4000 йилларга бориб тақалади, деган фикрлар ҳам бор. Амир Темур ҳукмронлиги даврида кураш жуда ривожланган. Боиси спортнинг бу тури энг инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган. Энди бугунги кунда курашга қатта аҳамият берилётгани масаласига келсак, бундай эзгу юмушнинг ташаббускори ва қўллаб-қувватловчиси -- шахсан Президент Ислоҳ Каримов бўлади. У кишининг “Миллий спортимиз бошқа халқларнинг миллий спорти каби жаҳон аренасига нима учун чиқиши мумкин эмас?” деган ҳаққоний саволлари бизга туртки бўлди. Дастлаб федерация, кейин эса мутахассислар биргалашиб ана шу ишларга қаттиқ киришиб кетдик. Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм, Тошкент, Фарғона, Наманган

да бирин-кетин ўтказилган халқаро турнирлар курашнинг шу даражага кўтарилишида, унинг дунё спорти оламига янги спорт тури бўлиб киришига туртки бўлди. Миллий спортимизнинг

ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Шунга кўра, бу йил апрель ойида Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказиладиган бўлди. Ҳозирча 70 дан ортиқ мамлакат ана шу

қаттиқ ишонаман. Боиси уларнинг фидойи, жонкуяр, мард йўлбошчиси бор. Қолаверса, ҳозирги навқирон полвонлар соҳибқирон Амир Темур, Жалолддин Мангуберди, Пахлавон Маҳмуд сингари ориятли, жасур, ватанпарвар инсонларнинг авлодларидир.

— **Инсоннинг маънавий-руҳий камолотида кураш қандай ўрин тутади?**

— Умуман олганда ҳаётнинг ўзи ҳам курашдан иборат эмасми?! Ўзбек кураши муҳлисларда ҳам, полвонларда ҳам мардлик, ҳалоллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби фазилатларни янада чуқурроқ шакллантиради. Шу билан бирга у инсонни ҳар жиҳатдан камолотга етказди. Унинг тарбиявий аҳамияти беқиёсдир.

— **Ўзингиз қандай қилиб спортнинг бу турига қизиқиш қолгансиз?**

— Отам, боболарим ҳам кураш билан шуғулланишган. Оилада олти оғанимиз, ака-укаларимнинг бари юқори тоифадаги спорт усталаридир. Фарзандларимиз ҳам спортга жуда қизиқишади.

— **Миллий курашимизнинг ўзига хос усул-йўналишларини ривожлантириш учун яна нималарга эътибор бериш зарур, деб ўйлайсиз?**

Ўзбек курашининг қонун-қоидалари халқаро миқёсда қабул қилинди. Ҳозир уларни янада мукамаллаштириш ҳақида иш олиб бораёмиз. Чунки кўпчилик чет эл мутахассислари курашга XXI аср спорти, деб баҳо беришмоқда. Миллий курашимизда оғритиш усулларининг йўқлиги, ҳалол, мардлик ва инсонпарварликка йўғрилганлиги жаҳон спортчилари, мутахассислари, ихлосмандлари томонидан юқори баҳоланмоқда. Дунёда ўзбек спорти билан шуғулланувчиларнинг сонини энг оммавий спорт тури билан машғул бўлувчилар қаторига етказиш чораларини кўраяёмиз.

— **Майдонга энди кириб келаётган ёш полвонларга истақларингиз...**

— Шундай бахтли кунларга етишган ёш полвонларга фақат ва фақат омад тилайман!

Халқаро дзю-до федерациясининг I-вице президенти Ф.Хокендайннинг “Сизларга ҳавас қиладиган яна бир ажойиб хусусиятингиз бор. Халқингиз гурур ва ориятни ҳар нарсдан устун қўярсан. Айнан кураш қоидаларига “ҳалол” сўзи ҳам бекорга келиб чиқмаганингизга кўп бор гувоҳ бўлдим”, деган гаплари беихтиёр киши хаёлидан ўтади.

Назокат УСМОНОВА

ЎЗБЕК ПОЛВОНИНИ ДУНЁ ТАНИЙДИ



Президентимизнинг кунги кеча қабул қилган «Халқаро «Кураш» ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони хусусида кураш бўйича жаҳон чемпиони, Халқаро «Кураш» ассоциацияси Президенти Комил Юсунов билан суҳбатлашдик

халқаро майдонга чиқиши муҳлислар ва полвонларнинг неча асрлик орзуси эди.

Футбол, дзю-до, бокс, теннис сингари ўзбек курашини ҳам Олимпия ўйинлари қаторида кўриш бизнинг асосий мақсадимиздир.

— **Ассоциация тузилганидан буён қандай амалий ишларга қўл урилди?**

— Ёдингизда бўлса, ўтган йили 6 сентябрда 28 та мамлакат вакиллари иштирокида Халқаро “Кураш” Ассоциацияси тузилди ва унинг биринчи конгресси ўтказилди. Ассоциациянинг низоми, эмблемаси, байроғи қабул қилинди. Унинг фахрий Президенти этиб Йўлбошчимиз Ислоҳ Каримов бир овоздан сайланди. Конгресс икки асосий масала -- халқаро ассоциация бош қароргоҳини Ўзбекистоннинг пойтахтида бўлиши, жаҳон чемпионатини курашнинг ўз Ватани -- Ўзбекистонда

мусобақада қатнашиш истагини билдирди.

— **Мазкур чемпионат Ўзбекистон учун қандай аҳамият касб этади?**

— Жаҳон чемпионатини юқори даражада, юксак савияда ўтказиш насиб этса, ўзбек кураши Олимпия ўйинлари қаторидан жой олади. Қолаверса, ҳозир ўзбек кураши Европа, Америка, Осиё давлатларида жуда қаттиқ қизиқиш, шов-шувлар уйғотмоқда. Чемпионатга турли давлатлардан иштирокчиларнинг қатнашиши, республикамиз ва халқимиз билан дунё янада яқинроқ танишишга муваффақ бўлади. Зеро, Президентимизнинг “Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди”, деган гаплари замирида улкан маъно мужассам.

— **Бугунги кунда юртимизда етишиб чиқаётган ёш полвонлар ҳақида сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик.**

— Ёш полвонларнинг келажаги порлоқ бўлишига

“Туркистон” шарҳи

ХАЛҚ ДИМИДАСИ МУВДАО

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинганидан хабарингиз бор.

Мухбиримиз Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Б. Йўлдошевдан ушбу ҳужжатни шарҳлаб беришни сўради.

— Мустақил Ҳамдўстлик давлатлари ичида республикамизда биринчилар қаторида “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти” тўғрисида қарори қабул қилинган деди у. — Шу қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, дорихоналар ишини бошқариш олий фармацевтика маълумотига эга шахсларгагина рухсат этилади. Унда барча дорихона муассасалари санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб бериши лозим, деб кўрсатилган. Афсуски, кейинги вақтларда айрим кишилар томонидан

қонуннинг ушбу бандининг бузиш ҳоллари рўй берди. Олиб борилган текширувлар бундай салбий ҳолатларнинг аксарияти хусусий дорихоналарга тўғри келишини кўрсатди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори мавжуд долзарб муаммоларни ечишда айни муддао бўлди. Вазирлик томонидан тайёр дори воситалари сотувчи дорихоналарга қўйиладиган санитария талаблари тўғрисидаги меъёрий ҳужжат амалдаги қонунлар асосида қайтадан кўриб чиқилди. Фармацевтик фаолият кўрсатиш учун бери-

ладиган рухсатномаларни қалбакилаштиришга йўл қўймаслик чоралари кўрилаяпти. Вазирлик дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиш тартиб-қоидаларини бузганлиги учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини кучайтириш ҳақидаги ўз тақлифларини Адлия вазирлигига киритди.

— **Вазирлик ҳузурида назорат инспекцияси тузилган экан...**

— Соғлиқни сақлаш тизимида қонун устиворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш билан шуғулланади. Унга бошқарув органларининг мансабдор шахслари ва даволаш-профилактика муассасалари ходимлари томонидан коррупция ва суиистеъмолчиликлар олдини олиш, бюджет маблағларини белгиланган мақсадда фойдаланиш устидан

назоратни ташкил этиш, шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш юклатилган. Инспекция амалдаги қонунчиликни бузаётган масъул ходимларни моддий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида белгиланган тартибда тақлифлар киритиш ҳуқуқига ҳам эга.

— **Қарорда жумладан “...касалхоналарда даволанаётган шахслар махсус дафтарларга улар учун амалда сарфланган дори-дармон препаратлари учун имзо чекиш тартиби жорий этилсин” дейилган.**

— Касалхоналарда даволанаётган беморларга махсус дафтарга улар учун амалда сарфланган дори препаратлари учун имзо чекиш тартиби жорий этилади. Бу давлат томонидан касалхоналарга берилаётган дори-дармонларни беморларга тўғри етказиб беришни назоратга олиш учун қилинган чоралардан биридир.

Лола СОАТОВА,
“Туркистон” мухбири

Россиянинг Екатеринбург шаҳрида шахмат бўйича халқаро малака турнири ниҳоясига етди, унда Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистондан беш эркак ва етти аёл иштирок этди. Бизнинг мамлакатимиздан

РЕНАНИНГ ЮТУҒИ

икки шахматчи - Рена Мамедова билан Ольга Ким қатнашди.

Рена Мамедова олти учрашувда галаба қозониб, тўрт дуранг натижа ва бир маглубият билан якунлаб, турнир голиби бўлди. Айни пайтда у хотин-қизлар орасида халқаро гроссмейстер нормасини бажарди.

/ЎЗА/

АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛАРИДАН

*Юзундек қамар йўқтур, қадиндек шажар йўқтур.
Шажар бўлса ҳам анда, лабингдек самар йўқтур.*

*Кўзум ашқининг руди оқар тезу тунд андоғ
Ки, гар уйқу кўз сори келур ҳам гузар йўқтур.*

*Отин тутсалар ногаҳ кетар ўйла ҳушумкин,
Бадан ичра руҳимдин дегайсан асар йўқтур.*

*Йўлингга нисор ашқим агар оз эрур, гар кўп,
Итингга гизо кўнглум агар бор, агар йўқтур.*

*Бу гулшанда, эй деҳқон, неча озмун эттим,
Вафо нахли экканга бажуз ғусса бар йўқтур.*

*Навоий, фироқингдан анингдек заиф ўлди,
Ки, ўрнида эл боқса дегайлар, магар йўқдир.*



Навоий Жомий ва Беҳзод билан

Рассом М. ЖҲРАЕВ

*Ваҳки чамандин яна эсди шамол ўзгача.
Ҳардам ўлур атридин кўнглума ҳол ўзгача.*

*Булбулу қумри чекиб, лаҳну наво ўзга навъ,
Кўргузадур сарву гул ганжу далол ўзгача.*

*Савсан ўлуб, сарбаланд, ғунча қилиб нўшханд,
Элга алардин этиб дафъи малол ўзгача.*

*Сунбули пуртоб ҳам, лолаи сероб ҳам,
Дуд ила ўтдин топиб, шибху мисол ўзгача.*

*Кирди магар дилбарим, ҳуру пари пайкарим,
Гулшан аро кўнглида фикру хаёл ўзгача.*

*Бўлса менга доғи йўл, андаки айш айлар ул,
Қилсам эди маст ўлуб, қолу мақол ўзгача.*

*Умри абад топқамен, тутса менга бир қадах,
Наъшани майдин анга ҳусну жамол ўзгача.*

*Даҳрда йўқдур карам, даҳрнинг аҳлида ҳам,
Қилмагайсен, э кўнгул, фикри маҳол ўзгача.*

*Зухд, Навоий, сенга бермади масжидда файз,
Энди кириб дайр аро тарҳини сол ўзгача.*

«ЭНГ ЁРУҒ ДУНЁ»

Узоқ Шарқнинг ҳайҳотдай бир оролида ҳарбий хизматни ўтаётган пайтимда отам менга кучоқ-кучоқ китоблар жўнатар эди. Уларнинг ичида Анвар Обиджоннинг битиклари ҳам бўларди.

Ўзбекистон мустақиллик декларациясини қабул қилиб, озодлик сари дадил қадам ташлаётган, мустамлака салтанати саналган Шўролар давлати инқирозга юз тутаётган бир даврда мен Анвар обиджоннинг «Эй ёруғ дунё» асарини такроран ўқиб чиққан эдим. Гарчи болалигимда асар гоёси, мушоҳадасини соддагина талқин этолган бўлсам-да, унинг замирида Ватан озодлиги муаммоси илдиз отганини чуқур англаб етолмаганман. У даврларда Ўзбекистондай заминнинг мустамлака давлат экани, ҳаёлимга ҳам келмаган. Бироқ айни балоғат ёшимда, тугилиб ўсган диёримдан олис бир минтақада мажбурий ҳарбий хизматни ўтаётган онларимда она Ўзбекистоннинг мустақилликка интилаётгани борасидаги муждала уйқудан уйғонган сингари руҳимни тетиклаштириб юборди. Шунда «Эй ёруғ дунё» асаридаги гоёларни янгича талқин этишга ҳаракат қилдим.

Мазкур асардаги бош қаҳрамон Аламазон зулмат чўккан фуқаролари чиркин сиёсат таъсирида қабиҳ одамларга айланиб бўлган горга тасодиф тўғайли тушиб қолади. Қоронғулик салтанати,

яъни Юлдузистон подшоси Исқирт биринчи ҳам калтафаҳм, бадният ва бетавфиқ бола бўлади. Муаллиф болалар тилига мос равишда яратган бу асарда кучли ҳажва урғу берган ҳолда бу ернинг кишиларига хос иллатларни фош этиб беради. Юлдузистон фуқаролари иккиюзламачи, ўзлигини унутган, ювиқсиз шахслар деб кўрсатилади. Улар учун поклик ва эзгулик ёт нарса. Кимки ювинса, покланса жазо олиши муқаррар. Лаганбардор-

памизда қизил мустамлака зуғумлари авж олган турғунлик йилларида илгари сурилади. Бу адабиёт оламида муаллифнинг жасоратидир.

Ёзувчининг мазкур асаридан ташқари «Даҳшатли Мешполвон» китобида ҳам озодлик гоёси ўша шўролар даврида дадиллик билан қаламга олинган. Ундаги Мешполвоннинг ота-онасини тутқунликка гирифтор этган Қаҳратония подшоси билан курашиб уни енгиб, банди қилинган ватандошларини қулликдан қутқариб қайтиши бугунги эркин ва тинч-фаровон турмушимизга бўлган умидни акс эттирган эди.

Дарвоқе, мен асосий фикрларимни энди айтмоқчиман. Адабиёт кечаги кундан кўра бугуннинг ва келажак онлари борасидаги ўй-хаёл, орзу-умид, фикр-мушоҳадаларнинг тимсоли бўлмоғи керак. Кўнгил истагини ўз вақтида акс эттиролган адиблар энг бахтли истеъдод соҳибларидир. Қўлига қалам тутган қобилият эгаси адабиёт олдидаги ўз бурчи нималардан иборат эканини чуқур ҳис этмоғи лозим. Фикрни ўз вақтида айтмоғи, гоёни ўз вақтида илгари сурмоғи зарур. Билмакс Дуторий сингари маддоҳлар тилидан тушмаган гализ ва сийқаси чиққан тўтинамо оҳанглар кўпаймайди.

Эрпўлат БАХТ,
Хоразм

Изҳор

лар шоирлари ифлосликни мадҳ этади. Шоир Дуторий:

*Ҳаммомингга кирмайман,
виждоним бордир,*

*Ўлдирсанг ҳам кўнмайман,
имоним бордир.*

*Кечиб совун-аунгидан
менман бахтиёр,*

*Эй, Дуторий, ажойиб
замоним бордир,*

деб ашорлар битиб, мукофотлар олиб юради. Аммо тиканзор орасида тўтиё битгани каби бу заминнинг ҳам адолатпеша, ҳалол инсонлари ҳам бор эди. Улар бу ерда бижиб ётган чиркинликка қарши курашгиси, адолат ўрнатгиси келди.

Мен асар баёни билан қанчалик вақтингизни ўғирламай, барибир уни ўзингиз ўқиб чиққанингизга етмайди. Анвар Обиджон бу асарда улғу бир ишора -- Мустақиллик гоёси ҳали те-

И Л И Н Ж

«Мен уни жуда соғиндим... Нима қиларимни билмайман... Нега бундай бўлди, гуноҳим нима? Қалбим хувиллаб қолди...»

Дўстим ўз суйгани ҳақида менга гапиряётиб, хўрсиниб қўйди. Назаримда у муҳаббатни энди англаётгандай эди. Инсон ўзи шундай, бахтли лаҳзаларни улардан айрилганидан сўнг қадрлайди... Муҳаббат ҳар бир инсон қалбига бир бор бўлса-да меҳмон бўлади. У билан деярли ҳамма таниш. Унинг ҳаяжонли дамлари, қалбини ром айлагувчи дақиқалари...

Ҳаётида бир бора севмаган инсон, чинакамига бахтсиз. Чунки у бу каби юксак туйғу лаззатини татиб кўришга мурасар бўлмаган.

«Охирги суҳбатимиз ҳали ҳам ёдимда. Ушанда мендан «Нега хурсандсиз?» деб сўради, мен эса «Ахир сиз билан гаплашиб турибман-ку, нега хурсанд бўлмай» дедим. У эркаланиб кулиб қўйди. Кейин... мен ҳаяжонланиб «Сизга бир гап айтмоқчиман...» дедим, у эса уялиб «Уйда меҳмонлар бор эди, бошқа кун телефон қилинг», деди. Мен қачон, деган саволимга «Жума кун-ми...» деди. Орадан неча жума ўтиб кетди, овозимни эшитиб телефонни ўчириб қўйди. Нега? Нима гуноҳ қилдим?..»

Суҳбатдошим ўз қалбидеги сирларини менга айтаётганидан уялди шекилли, ўнғайсизлана бошлади.

Ҳозир кўпчилик учун муҳаббат лаҳзалик айшу ишратга айланиб қолган. Даврининг бунда ҳеч қандай айби йўқ. Ҳамма айб ўзимизда, биздаги маънавиятнинг саёзлиги-ю, маъ-

рифатнинг чалалигида. Ҳозир қайсимиздир чет элча ҳаёт кечирिशга тиришамиз, бироқ барибир ўзбекона табиатга, руҳга, характерга, европача одатни сингдириб бўлмайди. Зўрма-зўраки сингдириш палапартишликка, тутуруқсизликка олиб келади. Чунки томиримиздан азалий оқаётган қон айнигани йўқ. Қалбининг тубида барибир мағрур иффат, ҳаё, ибо сақланиб қолади. Ва керакли пайтда ўзини намоеън этади. Муҳаббат ҳам худди шундай. Уни ҳис этиш, ундан лаззатланиш учун америкача ёки французча тарзда яшаш шарт эмас. Қолаверса, улардагидек «муҳаббат»ни бизда қўлаш ахлоқимизга тўғри келмайди. Мен дўстимнинг самимий, бегубор севгисини кўриб шуларни ўйладим. Гарчи унинг муҳаббати тўсатдан узилиб қолган бўлса-да, ишонч бор, умид бор, покиза туйғу бор. Шунинг ўзи гўзал...

Биз собиқ тузум пайтида «улғу оғамиз каби бўлмоғимиз зарур» деган чириган ақида билан яшадик. Ҳозир эса тарихимизнинг ўша онларини қалб оғриғи билан эсга олаётимиз. Энди эса «биз европача яшамоғимиз шарт», деб яна адашиб қолмайлик. Энг тўғриси, биз ўзбекона, ўзбекларча яшамоғимиз, севмоғимиз, яратмоғимиз, тоза қалб билан, ёрқин келажак сари одимламоғимиз шарт. Шунда ҳеч ким бизга ҳеч қачон «биз тўғайли» ёки «биздан ўрганиб» деган миннатни айта олмайдим. Дўстим. Хафа бўлма. Муҳими, сен ўша соф туйғунинг асрагин.

ХУСНИДДИН

ПАРИЖ. Югославия ҳукумати Косово можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш борасида Францияда ўтказилажак анжуманда иштирок этиш таклифини қабул қилади, деб баёнот берди мамлакат ахборот вазири Милан Комненич. Унинг айтишича, мазкур анжуман ўлкадаги нотинчликни тинч йўл билан бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Маълумотларга қараганда, М.Комненич айна пайтда ушбу масалада Францияга борган. Анжуманни ҳафта сўнггида ўтказиш режалаштирилган.

БОНН. Германия мудофаа вазири Рудолф Шарпинг расмий ташриф билан Полшага келди. У ташриф давомида мазкур мамлакат Бош вазири Ежи Бузек ҳамда мудофаа вазири Януш Онушкевич билан учрашади.

Музокараларда томонлар икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий-сиёсий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда Полшанинг НАТОга қабул қилиниши билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашди. Р.Шарпинг Полша сафаридан сўнг Шимолий Аляскага ташриф буюладиган давлатлар - Венгрия ҳамда Чехияга ҳам боришни режалаштирган.

ТИРАНА. Албанияда бир гуруҳ жиноятчилар мамлакат қомақоналаридан бирида сақланаётган Зан Каушини зудлик билан озод қилинишини талаб қилиб, Тирана маъмуриятига мактуб йўллади. Улар мактубда, агарда З.Каушин озодликка чиқарилмаса, оммавий тартибсизликлар ўтказиши ҳақида ҳукуматни огоҳлантирган. Унга 412 киши имзо чеккан.

З.Каушин 1997 йилнинг сентябрида қуролли жиноятчилар гуруҳининг раҳбари сифатида қўлга олинган эди. У кўпуровчилик ҳаракатларини содир этиш, фуқаролар ҳаётига қасд қилиш ҳамда одам ўғирлашда айбланган.

ТАЛЛИН. Эстония Бош вазири Март Сийманн Болтиқбўйи мамлакатлари ҳукумат бошлиқларининг учрашувида иштирок этиш учун Вилносга келди. Бўлажак учрашувда Литва ҳамда Латвия Бош вазирлари ҳам иштирок этади. Музокараларда уч мамлакат ўртасида ягона иқтисодий макон яратиш, мудофаа, таълим, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

ТОКИО. Шу кунларда Япония соғлиқни сақлаш муассасалари мамлакатда тарқалиб кетаётган грипп хасталигидан қаттиқ ташвишга тушмоқда. Ҳозирдан оқ бу касаллик 99 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Грипп эпидемияси мамлакатдаги 47 та вилоятнинг қарийб ярмида тарқалган.

Японияда ўтган йили ҳам кейинги ўн йиллик ичидаги энг кучли грипп эпидемияси тарқалган, бунинг оқибатида ярим минг киши дунёдан кўз юмган эди.

НАЙРОБИ. Сомалида рўй берган табиий офатлар қишлоқ хўжалигига катта зарар келтиргани боис ҳосилдорлик кескин камайиб кетди. Натижада мамлакатда юзга келган очарчилик аҳолини қийин аҳволга солиб қўймоқда. Хабарларга қараганда, мамлакат жанубида истиқомат қиладиган 25 мингдан ортиқ оила ўзи яшаб турган уйлари ташлаб кетган. Жаҳон Озиқ-овқат дастури ташкилотининг маълум қилишича, 700 минг киши озиқ-овқат етишмаслиги боис оғир аҳволда қолаётир. 300 минг кишининг эса очарчиликдан нобуд бўлиш эҳтимоли бор.

ДЕХЛИ. Ҳиндистоннинг шимоли-шарқий қисмидаги Трипура штатида аҳоли ўртасида этник айирмачилик заминида қонли тўқнашув рўй берди. Натижада 8 киши ўлдирилган, ундан ортиқ киши тан жароҳати олган.

Яширин фаолият олиб бораётган «Трипура миллий озодлик жаҳаси» қуролли гуруҳи аъзолари бошқа штатлардан кўчиб келиб яшовчилар қишлоғига ҳужум қилган. Қонли тўқнашувлар натижасида 500 га яқин уйга ўт қўйилди. Мазкур штат маъмурияти тартибсизликларга чек қўйиш учун армия бўлиmlарини жалб қилди.

ВИНДХУК. Конго демократик республикаси президенти Лоран Дезире Кабила Чадга ташрифи чоғида исёнчилар билан музокаралар бошлашга розилиги ҳақида баёнот берди. Шу вақтгача исёнчилар билан ҳеч қандай музокара олиб бормаслигини таъкидлаб келар эди. У КДРда кетаётган урушга баҳо берар экан, бу фуқаролар уруши эмас, балки Уганда, Руанда ва Бурунди давлатларининг босқинчилиги эканини алоҳида таъкидлаган.

(ЎЗА)



(Давоми. Аввали ўтган сонларда).

Иброҳим ҳожи табиятан тоши оғир, мулоҳазакор одам. Шундай бўлса-да, бу гапдан кейин шундук ўтирди қолди. Нафасини ичига ютандек чурқ этмади.

У Зокир деган бир яқин ошнаси билан Сайрамга тўйга тушувди. Иккови алламаҳалда орқага қайтишди. Рулда ҳожининг ўзи, Зокирнинг кайфи бор, ёнида ўтирибди. Гап айланиб бориб, бир вақт ошнаси ёрилиб қолди:

-- Ҳожим, кўпдан бери сизга бир гапни айтиш дейман-у, тилим бормади. Айтмасам бўлмас. Уғлингиз Уктамбек менга фарзанд қатори ахир...

-- Уктамбек? - унга ҳайрон боқди ҳожи.

-- Албатта, ёшлиқда нималар бўлмайди, дейсиз. Мана менинг ўзим ҳам бир вақтлар...

-- Мени тўғри тушунинг. Сиз ҳожи гийбат ўрнида кўрман. Шу десангиз... Сожид деган бир аёл бор. Бундай қараганда ничево... ўзи аёлларди парикмахери. "Гулшан"да ишлайди.

-- Арак қурсин, - оғринди ҳожи, - одамни намунача атала қилиб ташламаса.

-- Кечирасиз, ҳожим, гап нимада эди? Ҳа, ўша Сожид уйдаям мижозларни қабул қиларкан.

-- Қанақа мижоз?

-- Қанақа буларди, аёлларни-да.

-- Ҳўш, кейин нима бўпти? - ўз ҳаяжонини сездирмаслик учун босиқлик билан, бироқ шошиброқ сўради ҳожи.

-- Уктамбеги уша ерга ўтиб тураркан. Буни менга ишончли одам етказди, хафа бўлманг.

-- Очиқроқ гапиринг.

-- Ўша Сожиданикига... ўзингиз билган ҳожи Мумтозбекнинг кўғирчоғи Тахмина хоним ҳам қатнаб тураркан...

Ҳожининг эсига тушди. Ҳа, ёнида, ўша базм кечаси Уктамбекнинг ана шу аёл атрофида гирдиқалпақ бўлганини сезган, лекин бир кун келиб, шу даражага етишини ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Демак, Тахмина... дарвоқе, унга ажабланишнинг ҳожати йўқ. Ёш нарса, эри фалон ёшда, шайтоннинг нағмасига учиб унчалик қийин эмас. Мабодо қонига дурустроқ тарбия сингмаган бўлса. Мана керагича тарбия кўрган Иброҳим ҳожидек жилвли-қамчинли, имони бут, ҳалол пок инсоннинг зурриёди нима иш қилиб ўтирибди-ю, ундан нима гина.

-- Бу гап шу ерда қолсин, - ҳожи ошнасига шундан бошқа ҳеч нарса деёлмади.

Уйдагилар ухлаб қолишган экан. Ҳожи дарвозасини очган жория холадан бевақт безовта қилганлиги учун эшитилар-эшитилмас узр сўради. Боши қизиб, оёғи кишанланган одамдек судралиб хужраси-

га базўр кириб ўзини ўринга ташлади. Лекин уйку деган нарса келмади, келавермади. Қачон ухлаб қолганини билмайди. Бомдод намозини қаҳо қилиб қўйгани ўлганнинг устига тепандек туюлди унга. Бугун хотини Шаҳодат бонунинг туғилган куниди. Ҳожи сезиб турибди. Рўпарадаги равоқдан бону уни бетоқат кузатиб ўтирибди. Шаҳодат бону...

Иброҳим ҳожининг бу ёруғ оламда топган-орттирган энг қимматли, энг муътабар, энг азиз инсониди. Умрининг, ҳаётининг олтин кўшик бўлган Шаҳодат бонуси.

Мана, қачонлардан бери аёл тўшакка миҳланган. Оёқлари ҳаракатсиз. Кўрсатишмаган дўхтирию, табиб, даво қидириб бормаган жойлари қолмади, ҳисоби. Бир жаҳон бўлиб юрган жувон муштдекгина жуссага айланди-қолди.

Бону ҳожини еру кўкка ишонмайди. Бу ёруғ олам унинг учун эри билан, ана шунуруни мейхрибон, садақатли Иброҳим ҳожи билангина барқарор. Унга бўлган сўнмас муҳаббати боис ўз аҳволдан изтироб чекади, унга ачинади, уни "ортиқча ташвишлар"дан халос қилмоқчи бўлади. Ҳожиға қачонлардан бери ниманидир ёришгиси келади. Қалбиди тугун ва армон бўлиб турган бағоят оғир бир гапни айтмоқчи бўлади. Бироқ... айтолмайди, ҳожини тушунади, билади, ундан кўрқади. Узи учун энг муътабар инсоннинг шаффоф қалбига озор бериб қўйишдан чўчийди.

Иброҳим ҳожи ҳам шундай. Шаҳодат бонуга бўлган муҳаббати, садақати, кундалик муносабати ва ҳатто ўртадаги вафо ҳам самимият ришталарини ҳамиша бир хил тутишга уринади. Шаҳодат бонунинг ўша, қачонлардан бери ниманидир демоқчи эканлигини ҳис этади. Аммо ана шу "нимадир гап"ни эшитишдан жуда-жуда чўчийди, дунёдаги энг азиз кишининг ортиқча изтироб захрини тотишдан кўрқади. Жория хола кат устидаги паркувларни қайта созлаб, Шаҳодат бонунинг гулзор томон юзлантириб жойлаштиришди.

Ҳожи Сайрамдан кеч қайтишгани боис уни безовта қилмаганини айтиб, бонудан узр сўради. Хотини унга жавобан мулоимлик билан: "Узрга ҳожат йўқ, ҳожим,

яхши бориб кепсизми, бўпти", - деди. Ногоҳ Иброҳим ҳожининг ёнига ана кечаги гап келди, таъби бир оз хира тортандек бўлди, лекин буни хотинига сездирмасликка уринди.

-- Дарвоқе, Уктамбек ҳалиям ухлайтиларми, дейман?

Бону кат четда омонатгина ўтириб, чой қайтараётган хизматкор аёлга маъноли қараб қўйди.

-- Уйғотдим, яна ухлаб қолдилар чоғи... жория хола шундай дея ичкари томон шошиб йўл олудики, ҳожи унга таъкидлади:

-- Тезроқ турсинлар, дадангизни зарил гаплари бор экан денг, - кейин у Шаҳодат бонуга юзланди. Дадасини қандай зарил гапи бўлиши мумкин, деган ҳаёлда безовта бўлмаслиги учун илова қилди:

-- Бугун уйимизда тўй-ку, ахир. Тарадуд кўриш керак. Ҳали завон боллар, неваралар бостириб келиб қолишса, калаванинг учини йўқотиб утирмайлик.

Иброҳим ҳожи билан Шаҳодат бонунинг бир қиз, икки ўғиллари бор. Қизлари турмушга чиққан, ўғилларидан каттаси уйланган, бошқа-бошқа жойларда яшашади. Неваралар ҳам, мана, кўпайиб бораёпти. Бу даргоҳда ҳожи билан бону олийгоҳнинг охири курсида ўқиётган кенжа ўғиллари Уктамбек билан қолишган.

Шаҳодат бону сезгир аёл эмасми ҳожининг "зарил гап"и бошқа масалада бўлишини юраги сезди. Шу чоқ у эрига нимадир демоқчи-ю, бироқ ийманиб, уйчанроқ ҳолга тушиб қолганини сезган ҳожи унга саволомуз боқди.

-- Буюринг, бону. Осмондаги ойни десангиз ҳам олиб бераман.

Бону яна бир зум сукут сақлади. Кейин хиёл табассум билан мақсадга кўчди:

-- Осмондаги ой жойида турсин, ҳожим. У ҳамманики. Сиз менга... келин олиб беринг. Кўзим очиклигида Уктамбегимни ҳам орзу-ҳавасини кўрсам, дейман...

Иброҳим ҳожи пиёладаги чой илмилик бўлишига қарамай, ўз фикрини йиғиштириб олиш учун уни худди қайноқ чойдай майдалаб, чўшиброқ хўп-хўплай ичди. Кейин аста томоқ қириб олиб, бо-

нуга босиқ жавоб қайтарди:

-- Ундай деманг... Худо хоҳласа, сиз ҳали шифо топиб, узоқ йиллар яшайсиз, орзу-ҳавасларга биргаллашиб етайлик, илоҳим.

-- Кўнглингизга олманг, ҳожим. Қиздирик, уғилдирик, эрталоқ жойлаган маъқул дейсиз-ку, ахир.

-- Бу бошқа гап, - деди ҳожи мамнун ҳолда, - бу ёғини менга қўйиб беринг. Иншооллоҳ истагингиз тез орада амалга ошгай.

Иброҳим ҳожининг ҳаёлида шу тоб ўғли Уктамбекка айтиладиган ўша "зарил гап" чарх уради. Уни ўйлантираётган нарса бугун ўртада пайдо бўлиб қолган ана шу уятли, шармандали тугунни бемор хотиннинг эътиборидан мулақо пинҳон ҳолда қандай қилиб силлиқроқ ечиб олишдан иборат эди. Тўғри, бу масалани албатта ҳозир эмас, кейинроқ, бирон мавриди билан ҳал қилиш ҳам мумкин. Аммо ҳожи таҳликада эди. Бу жароҳатга имкон қадар тезроқ наштар урилмаса, тез орада янаям газаклаб кетиши ҳеч гапмас. Худо кўрсатмаса, Мумтоз мабодо бундан хабар топиб қолса борми, бирон кор-ҳол юз бериши турган гап. Гапки, аллақачон ташқарига чиқибдими, тамом, уни энди тўхтатиб бўлмайди. У ҳозир ўғли учун ҳам, ўз обрў-эътибори ва оила шаъни учун ҳам жиддий ташвишга тушганди.

Ичкаридан Уктамбек қиқиб келди. Она хушқомат бўйларидан, жамолидан нур ёғилиб турган ўғлининг юрак-юрагидан меҳр билан кузатиб турар экан, ўзича пичирлаб қўйди:

-- Емон кўзлардан худонинг ўзи асрагин.

Уктамбек хурмат ва тавозе билан уларга яқинлашиб салом берди.

Нонушта устида ҳожи ўғлини зимдан кузатиб чиқди. Саҳари мардондан намунача башанглик? Нозикроқ жойга меҳмонликка отлангандек. Боши хафсала билан қиртишланган, анча ўткир атир хиди анқиб турибди. Борди-ю, Зокир айтган ўша, Мумтознинг кўғирчоғи Тахмина билан дийдорлашишга отланган бўлса-чи?!

-- Уғлим, назаримда бирор жойга бормоқчи кўринасиз?

Уктамбек ҳам сезиб турибди, отанинг авзойи бугун бошқачароқ. Жория хола "Дадангизни сизга зарил гаплари бор экан" дегандаёқ кўнгли нечундир саросимали тортиб қолди. Мана энди ўша гапни айтишга шошяптапти, уни обдон кузатаёпти.

-- Ҳозир бозорга тушаман. Майда-чуйдаларни келтириб қўйгач, кейин... Агар руҳшат берсангиз, бир-икки соатга бир жойга ўтиб келмоқчидим. Ваъда бериб қўювдим...

(Давоми бор)

Салих ҚАҲҲОР

ДАЙМ ГЎЗНИНГ ҲАҚРАТ КЕЧАСИ

Иккинчи ҚИТОБАДАН



Филдирак

КЎЗОЙНАК-КЎНФИРОҚЧА

Тунда узоқ йўлга қатновчилар яхши билади: кўзлар қаршидан келаётган машина чироқларидан чарчайди, хорғинликдан баъзан бир зумгина кўз илиниб, нохуш ҳолатлар содир бўлиши мумкин. Чехиялик олимлар яратган электрон асбоб уларнинг жонига аро киради. Ҳайдовчи махсус ишланган кўзойнакни тақиб олса бўлди, йўлда унинг кўзи атиги 2 секунд илингудек бўлса ҳам сезгир асбоблар ишга тушиб кўнғироқ овози келади. Лекин баъзан Ҳайдовчи кўзи очик бўлса ҳам уйку илитиши мумкин. Ихтирочилар буни ҳам инобатга олишди. Ҳайдовчи бир дақиқадан зиёд киприк қоқмаса ҳам кўнғироқчалар жаранглаб кетади.

ҲАЙДОВЧИГА - КОНФЕТ

Польшадаги "Баттик" қандолатчилик корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотларни Европадаги етти мамлакатда севиб ҳариб қилишади. Чунки у шифокорлар томонидан яратилган махсус аралашмалар, жумладан кофе молдаси кўшиб тайёрлаган.

НОМДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

(8 февралдан - 14 февралгача)

ҲАМАЛ. Душанба куни узоқдан кўнғироқ кутинг. Сешанба ва пайшанбада сирли учрашув. Пайшанба нотинчроқ ўтади. Жумада ишларингиз ўнгидан келади. Шанба куни яхшиси дам олинг. Якшанба -- ижодкорлар куни.

САВР. Ҳафта бошида сизни сўроқлашади. Сешанбада ҳамнингиз тўлади. Чоршанба ва шанба кунлари кутган одамнингиз билан диндорлашасиз. Пайшанбада асабийлашманг. Жума куни зиддиятлардан нари юринг. Якшанбада яхши дам олинг.

ЖАВЗО. Душанба ва якшанба кунлари яқин одамнингизни кутинг. Сешанбада сирли кўнғироқ. Чоршанбада кайфиятингиз бузилиб, пайшанба куни зиддиятлар кучайиб, жума куни ўзингизни нохуш сезсангиз парво қилманг. Шанбада мукофоти бор.

ХАНДАЛАР

Она: -- Жонни, қайси олмани ейишни хоҳлайсан?
Жонни: -- Энг каттасини.
Она: -- Сен одобли боласан-ку, кичикроғи ҳам бўлар.
Жонни: -- Мен одобли бўлишим учун тўғри гапиришим керак-да...

Ўқитувчи: -- Мен яшайман феълнинг ўтган замондаги шакли қандай бўлади?
Ўқувчи: -- Сиз аллақачон ўлгансиз, сэр...

Хўранда: -- Хоним, пиёланнинг ичида пашша юрибди, бунга нима дейсиз?
Хизматчи аёл: -- Мен қайдан билай, фолбин эмасман-ку...

-- Хўш, ўғлим, сен бугун дарсда ҳеч кимга ҳалақит бермадингми?
-- Йўқ, дада, мен бугун кун даҳлизда турдим...

-- Дада, дада! Ўқитувчимиз арифметикани билмас эканлар.
-- Бундай дейишга қандай журъат этдинг?

-- Кеча тўртта бирни қўшсак беш бўлади дегандилар. Бугун эса иккига учни қўшсак беш бўлади, дедилар.

Ўқитувчи: -- Одамнинг кўплик шакли нима бўлади?
Ўқувчи: -- Одамлар.
Ўқитувчи: -- Боланинг кўплиги-чи?
Ўқувчи: -- Эгизаклар.

Ник: -- Менга ручкангни бериб тур.
Эн: -- Ўзингда ҳам бор-ку.
Ник: -- У кўп хато ёзди-да...

Инглиз тилидан
Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги
4-мактаб ўқитувчиси
Сафарали ХОЖИЕВ таржимаси

БРЕЖНЕВ ҚАЙТИБДИ

Нариги дунёдан Брежнев ерга "саёҳатга" юборилганида фаришталар сўроққа тутишибди:

-- У ерда аҳвол қандай экан?
-- Ҳаммаси яхши. Мавзолей жойида. Кремль ҳам ўз ўрнида. Ҳатто кабинетимга кирсам -- у ерда ҳам ўзим ўтирган эканман.

Ўқитувчи ўқувчиларни сўроққа тутибди:
-- Сидоров, кеча нега уй вазифасини бажармадинг?
-- Оёғим оғриганди...
-- Ўтир, баҳонинг икки,
-- Вася, сен нега дарс тайёрламадинг?
-- Синглим касал бўлиб қолувди.
-- Ўтир, икки.
-- Вова, сен нега дарсга тайёр эмассан?
-- Акам қамқондан қайтанди.
-- Аканг билан мени қўрқитмоқчимсан. Ўтир, уч!

ШАРЪИЙ ҲУКМЛАР

- * Ота-онанинг бирор жиҳатдан ранжитмангиз.
- * Устозларингизни хўрлаб ва масҳара қилиб ранжитмангиз.
- * Фарзандларингизга ва шогирдларингизга жабру зулм қилмангиз.
- * Хотинингизни ё эрингизни ранжитмангиз.
- * Қариндошлардан ажралишиб кетмангиз.
- * Олим кишиларни сўкмангиз ва хўрламангиз.
- * Бировни хижолат қилиб уялтирмангиз.
- * Бировларни беҳуда қўрқитмангиз.
- * Бировни алдаб, нотўғри йўлга йўллаб адаштирмангиз.
- * Ҳеч бир кишини алдаб гапиртириб, сирини билиб олишга ҳаракат қилмангиз.
- * Хотинлар! Эрингизнинг уйдан бесабаб кетиб қолмангиз.
- * Бировни алдаб, текинга ишингизни қилдирмангиз.
- * Берган аҳдингизни бузмангиз.

"Шаръий ҳукмлар" тўпламидан

ОДАМ НУСХАСИ КЎПЛАЙДИ

Жониворлар ҳужайраси асосида улардан нусха кўпайтириш (клонировать) бўйича дунё олимлари иш олиб бораётгани, улар шу усулда "Долли" исмли кўзичоқ яратганидан хабарингиз бордир. Литвадаги "Ферментас" ҳиссдорлик жамияти директори, фан доктори Викторас Буткус литвалликлар одамлардан нусха олиш йўли билан кўпайтириш учун зарур барча имкониятга эга эканликларини билдирди. Бу фикрни эшитиб академик Арвидас Якулайсис дунёдаги лабораторияларнинг бирида яширинча инсон чеклари асосида нусха кўпайтириш мумкинлигига шубҳа қилмаслигини баён этди.

ДИАБЕТИКНИНГ ДАВОСИ

Новосибирскдаги физиология институтида қандли диабет хасталигини тиббий дори-дармонсиз даволаш усули яратилди. Бемор махсус танлаб олинган юқори таркибдаги газ билан тўйдирилган ҳавони бир соат мобайнида ҳидласа дардан фориғ бўлади. Бундай муолажани организмдаги ички имкониятлар уйғониб, диабетга чалинган қон томирларига иккинчи ёшликни ҳаёда этаркан.

ҚАБРДА 142 КҲН

Англиялик Джеф Смитнинг онаси тириклайин гўрга кўмилган ҳолда 101 кун яшаган эди. Аммо америкаликлар ундан кўпроқ гўрга яшаб, бу рекордни чиппака чиқаришди. Шу боис, Смит онаси шаънини тиклашга қарор қилиб, 142 кун ўзини қабрга тикди. Ўттиз етти ёшли бу йигит 142 кун қабрда нима билан шугулланди экан, дерсиз. Смит ўз боғига қазилган узунлиги 2,1 метр, эни 70 сантиметр, хиёл ўтириши ва ётиши мумкин бўлган қабрда китоб ўқиди, кўл телефонда дўстлари билан суҳбатлашди, телевизор томоша қилди. Ҳаво ўтказгич қувири орқали овқат қабул қилишдан ташқари, кўчадан ўтиб кетаётган одамларга гап отиб ётди.

Смитнинг ўн уч ёшли ўғли отаси эринган маррадан ўзиб, 200 кун қабрда ётишга ўзини тайёрлапти.

ҲАВАС ҚИМСА АРЗИЙДИ

Кипр мамлакатига бормоқчи бўлсангиз, ёдингизда тутинг: у ерда агарда кўчага сигарет қолдиғи, бўш банка ёки кераксиз қоғозни ташлагудек бўлсангиз, ўзингиздан кўринг: тахминан 40 доллар ҳажмида жарима тўлайсиз. Мамлакат пойтахти ҳокимлиги шу йил 1 мартдан шундай тартибни жорий этди.

Бизнинг ҳокимлар ҳам кипрликлардан ўрнак олса арзиркан.

ЧОЙ СИЗГА АРОҚМИДИ?

Британияликлар бир кунда 18 миллион пиёла чой ичишаркан. Олимлар фикрича, бу ҳам уларга кам экан. Сабаби, атиги бир пиёла чой истеъмол этсангиз ҳам у ақлингизни чархлаб, иш қобилиятингизни ошираркан. Чунки, чой альгойн-баданингизга хузур ва кучват бахш этади. Голландия ва Япония олимлари текширувига кўра, агарда ҳар кун тўйиб чой ичсангиз ва мунгазам саримсоқ истеъмол қилсангиз, ошқозон яраси, саратон хасталикларидан ўзингизни батамом фориғман, деб ҳисобласангиз бўлавереди.



САРАТОН. Душанбада кайфиятингизни туширманг. Сешанба ва пайшанба кунлари молиявий ишларингиз бароридан келади. Чоршанба ва якшанба кунлари кўнғилли учрашувлар содир бўлади. Жума кайфиятсиз ўтади. Шанбада кўнғилли хордик.

АСАД. Душанба ва жумада ишларингиз бароридан келади. Сешанба куни соғлигингизни авайланг. Чоршанба ва шанбада узоқдан эшитадиган хабар рўйхатингизни кўтарди. Пайшанбада ошиқлар учрашади. Якшанба куни спорт билан шугулланг.

СУНБУЛА. Душанбада ҳамкорлар учрашуви. Сешанба куни ишлар о'қкей. Чоршанбада асабини асранг. Пайшанбадан кўнғироқ кутинг. Жумада сиз кутган оилар. Шанба зиддиятли ўтса-да, якшанбада кўнғилли дам оласиз.

МЕЗОН. Ҳафта бошида қувонасиз. Сешанбада соғлиқ, кайфиятингиз яхши эмас. Чоршанба бизнес ишлари учун қулай. Пайшанбада зиддиятлардан нари юринг. Жума куни молиявий ишлар юришади. Шанбада яхши дам олинг.

АҚРАБ. Душанбада хушхабар эшитасиз. Сешанба ва жума куни соғлигингизни авайланг. Чоршанба зиддиятли кун. Пайшанбада ҳамкорлар учрашади. Шанбада яхши дам олинг. Якшанба кўнғилли ўтади.

ҚАВС. Душанба ҳамкорлар куни. Сешанбада асабийлашманг. Чоршанбадаги кўнғилдорликларга эътиборсиз бўлганингиз маъқул. Пайшанбада ҳамнингиз тўлади. Жума хайрли. Шанбада ишқий саргузаштлар куни. Якшанбада дам олинг.

ЖАДЪИ. Ҳафта бошидаги хариддан қўнғилли тўлади. Сешанбада алданиб қолманг. Чоршанба куни молиявий ишлар бароридан келади. Пайшанбада асабини асранг. Жума кунги хафагарчилик ўткинчи. Шанбада беозор бўлинг. Якшанбадан хушхабар кутинг.

ДАЛВ. Душанба ва шанба кунлари хурсандчилик билан ўтади. Сешанбада дўстлар билан учрашасиз. Чоршанба куни кутган буён кутган янгликдан воқиф бўласиз. Пайшанбада яхши дам олинг. Жума учрашувлар куни. Якшанба ижодкорлар учун яхши.

ХУТ. Душанбада алданиб қолманг. Сешанба куни хафа бўласиз. Чоршанбадан хушхабар кутинг. Пайшанбада сирли учрашув. Жума зиддиятли кун. Шанбада ишларингиз ўнгидан келади. Якшанбада яхши дам оласиз.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Рўзибой ҲАМИДОВ

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-56-58
Хатлар бўлими — 133-69-69



МАНЗИЛИМИЗ:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 33-йў

Таҳририятда юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят уқтан калардан
фердаланиши мумкин.